Тошкент ҳақиқати

№ 168 (10.417).

1992 йил 8 декабрь сешанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ТОШКЕНТ ТРАКТОРЛАРИ ИСПАНИЯДА

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ икки йирик саноат корхонаси — Тошкент трактор заводи билан Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи Испания пойтахти — Мадридда халқаро ишбилармонлар ҳамкорлиги уюшмасининг «Олтин юлдуз» нишонига сазовор бўлди. Шуни айтиш керакки, бу анчайин оддий мукофот эмас, у мазкур корхоналар чиқараётган маҳсулотнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин олишига кафолат беради.

ЎзА мухбирлари Тошкент трактор заводининг бош директори **В. Беляев** билан суҳбатлашди.

— Маълумки, авваллари Тошкент тракторларини асосан Африка ва Осиёдаги саноати кам тараққий этган давлатлар сотиб оларди. Корхона маҳсулоти юксак мукофотга лойиқ топилган айни пайтда унга талабгор ҳам кўпайгандир?

— Уюшма анжуманида жаҳоннинг турли мамлакатларидан беш юздан ортиқ мутахассис, ишбилармон ва журналист қатнашганининг ўзиёқ мукофот ниҳоятда нуфузли эканидан далолат беради. Бу йил «Олтин юлдуз» нишонига жаҳондаги юзлаб фирма ва заводлардан 120 тасигина сазовор бўлди.

Энди мустақил Ўзбекистонимиз трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини шу нишон билан чиқариш ҳуқуқини олди. Шуни айтиш керакки, уюшма нишон билан тақдирлаш учун алоҳида кўрик ёки кўргазма ташкил этмайди, у мутахассисларнинг маҳсулот сифати ҳақидаги хулосасига ҳамда унинг жаҳон бозоридаги харидоргирлигига асосланади. Шу жиҳатдан Мадридга таклиф этилишимиз кутилмаган воқеа бўлди.

Испания пойтахтида жаҳоннинг турли фирма ва ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари туздик. Жумладан, Испания фирмалари воситачилигида анчадан бери алоқаларимиз узилиб қолган Ангола фермерлари билан муносабатларни тикладик. Мисрликлар ҳам маҳсулотимизни бажонидил сотиб оладиган бўлишди.

Шуни айтиш керакки, Хитойда бизнинг машиналаримиз, айниқса, қадрланади. Келишувга мувофиқ қўшниларимиз биздан олган маҳсулот эвазига арзон нархда шакар, гуруч ҳамда гўшт консервалари жўнатади. Покистон ва Эрон, Венесуэла ва Колумбия мамлакатлари ҳам тракторларимизга қизиқиб қолдилар. Тунис пахтакорлари машиналаримизни сотиб олиш ниятида.

Абдумажид АЗИМ, Амирқул КАРИМ, ЎзА мухбирлари.

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти ва Тошкент вилоятининг телефон тармоқларида абонентларни халқаро автоматлашган телефон тармоқларига улаш ва бунинг учун қўшимча асбоб-ускуналарни ўрнатиш бўйича монтаж қилиш ҳамда ишга тушириш-созлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Шундай қилиб, истисносиз барча шаҳар телефонларини бевосита курраи заминимиздаги исталган шаҳар билан улаш имкони пайдо бўлди. Бу космик алоқа рақамли каналлар орқали амалга оширилади. Ҳа, эндиликда истаган жойингизга қўнғироқ қилишингиз мумкин, бунинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ.

— ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК! —

ЖАҲОН БИЛАН ГАПЛАША ОЛАМИЗ

ИШГА ТУШИРИЛГАН ЯНГИ КОСМИК АЛОҚА СТАНЦИЯСИ ШУНДАЙ ИМКОНИЯТНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРДИ

Яқинда Тошкентда фойдаланишга топширилган электрон йўлдош станциясининг кўп канали бор. Бу халқаро алоқа станцияси Японияда ишлаб чиқарилган. Уни ўзбек халқига Туркия совға тариқасида берди. Асбоб-ускуналарини Германия фирмалари ва Финляндия компаниялари ишлаб чиқарган.

Тошкент билан телефонда гаплашишни Американинг алоқа йўлдошлари ҳамда жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг ердаги станциялари таъминлашга ҳозиру нозирлар. Электрон рақамли мажмуалар сим орқали сухбатнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Сиёсатчилар ва дипломатлар, бизнесменлар ва давлат хизматчилари, уйида, қўл остида оддий шаҳар телефони бўлган ҳамма ва ҳар бир киши яқин ёҳуд узоқ хорижий мамлакатдаги шаҳар коди ҳамда телефон рақамларини териб, бемалол суҳбатлашиши мумкин. Бунинг учун олинадиган ҳақ ҳам унчалик кўп эмас. Оммавий абонентга бундай халқаро телефон алоқаси хизмати МДҲ мамлакатлари ичида бизнинг Ўзбекистонимизда биринчи бўлиб имкон берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

М. МАҲМУДОВ.

БАРАКА ЕРДА ҚОЛМАДИМИ?

ҲОЗИРГИ кунда вилоятимиз деҳқонлари йилни якунламоқдалар. Қолган ҳосил йиғиб-териб олиниши билан бирга келгуси йилга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

Ана шу ҳақда ўйларканман, бир воқеа эсимга тушди. 1960 йиллар эди. Отам Саидалибек Муҳаммедов Калинин (ҳозирги Зангиота) туманидаги хўжаликдан ер олиб, деҳқончилик қиларди. Бўш вақтларимда уларга қарашардим. Куз. Картошка кавлаётган эдик. Отамнинг қадрдони Фатхулла қори ака келиб қолди. У далани кузатаркан, деди: «Кўряпсизларми?» Тупроқ орасидан бир-икки дона майда картошкани топиб олиб кўрсатди. Жуда бўлмаса молларингиз ейди, териб олинглар, деди у. Айтишадики, Аллоҳ бир пайкалнинг баракасини бир донага берган бўлади, деб. Қайдан биласиз, барака сиз териб олган йирик картошкадами ёки қолиб кетаётган майдаларидами?..

... Орадан мана қанча вақт ўтди. Бу гапни бот-бот эслайман. Ўтган йили вилоятимизда пахта режаси барвақт бажарилди. Лекин, қанча-қанча пайкалларда, яширишнинг ҳожати йўқ, териб олиниши керак бўлган момиқ пахталар қолиб кетди. Бу йил эса режани бажарамиз, деб сўнгги чаноқларни ҳам қидириб юрибмиз. Ўтган йилда ношукурлик қилмадикми, бараканинг бир қисми ерда қолиб кетмадими, деб ўйлайман.

Ғалла ўрим-йиғими пайтида кузатган бўлсангиз, йўлда тўкилган-сочилганларига ҳам кўзингиз тушгандир. Булар ҳам барака бўлиб кўринарди кўзимга.

Полизчиликда ҳам барака кўтарилмаяптими? Ахир ёшлик чоғимизда сапчаларигача йиғиб олардик. Ҳозир эса полизчиларимиз кўп ҳолларда бир марта ҳосилни териб олиб, ярамайдиганларини пайкалда қолдириб кетишади. Ким билади, дейсиз, баракали қовун-тарвуз донаси узиб олиндими ёки...

Бозор иқтисодига ўтаяпмиз. Фойда билан зарарни бир-биридан ажратиб оладиган вақт келди. Аввалари тўкилган-сочилган ҳосилга парво қилмасдик. Ҳечқиси. йўқ, хўжаликники, деб ўйлардик. Энди ер ўзимизники, ҳосил ўзимизники. Режадан ортиқ қанча маҳсулот топширсак, фойдаси ўзимизга икки ҳисса бўлиб қайтади. Буни ҳар биримиз тўла тушуниб етмоғимиз зарур.

Етиштирилган ҳосилни сўнгги килограммларигача увол қилмай, йиғиб-териб олайлик. Ҳа, биродарлар, ҳар бир неъматнинг ўз баракаси бўлади. У далада қолиб кетмасин. Шунда хонадонимизда, дастурхонимизда тўкинлик барқарор бўлади.


Т. МУҲАМЕДОВ, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Бўлажак завод



● **ПИСКЕНТ районидаги «Дўстлик» хўжалигида меҳнат қилаётган кўпгина пудратчи-ижарачилар бу йилги қийин шароитда ҳам яхши натижаларга эришдилар. Ана шулардан бири Абдусалом Абдусатторовдир. У 16,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб пахта ҳосили топширди. Хўжаликда бу йилги мавсумда ишга тушган қуритиш-тозалаш цехи иккинчи навбати базаси асосида келгуси йилда пахта заводи қуриш мўлжалланмоқда. Ҳозир бу ишга тайёргарлик бораётир.**

А. МАЛЬЦЕВ сурати.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИДА

7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши халқаро ишлар қўмитасининг мажлиси бўлди. «Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари. дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномага оид масала муҳокама қилинди.

Мажлисда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг раҳбарлари 1992 йил 9 октябрда Бишкек шаҳрида имзолаган ҳужжатлар — депортация қилинган шахслар, кам сонли миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир битимни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг ҳарбий соҳадаги хавфсизлиги концепцияси тўғрисидаги битимни ратификация қилишга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳужжатлар ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида муҳокама қилинади.

Мажлисда, шунингдек қўмитанинг бу йилги иш фаолияти якунлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитасининг мажлисида бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Маълумки, мазкур конвенция 1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган.

Қўмита мажлисида мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди ва маъқулланди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Ўтган жума куни республикамиз пойтахтида Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари шаҳар ҳокими А. И. Фозилбековнинг шу тўғридаги маърузасини тингладилар.

Муҳокамада сўзга чиққанлар бу муҳим ҳужжат умумхалқ ҳукмига ҳавола этилгандан буён шаҳардаги жуда кўплаб меҳнат жамоаларида катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан муҳокама этилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари таклиф этилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда лойиҳани маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков йиғилиш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси бугун 8 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун 8 декабрь куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан кўп йиллик ҳалол меҳнати, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

Мўминов Теша Ҳусаинович — Ҳамза номидаги давлат академик театрининг актёри, Тошкент шаҳри.

Ҳамидов Рустам Муҳсинович — Ҳамза номидаги давлат академик театрининг бош режиссёри, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ»

Жамол КАМОЛ — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдуқодиров Ҳалилжон Ҳамиджонович — Навоий номидаги академик опера ва балет театрининг хонандаси, Тошкент шаҳри.

Аҳмедов Файзулло Турғунович — Мукимий номидаги театр актёри, Тошкент шаҳри.

Низомутдинова Фильруда — «Баҳор» ансамблининг репетитори, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Дадажонова Дилшодахон — Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР»

Аҳметов Ҳакимжон — қурилаётган бинолар ва иншоотлар бирлашган дирекциясининг директори, Тошкент шаҳри.

Саркисов Александр Суренович — ремонт-қурилиш бирлашмасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри.

Чечина Ларисе Александровна — «Главташкентстрой» 12 трести бошқарувчисининг ўринбосари.

* * *

Бир гуруҳ ўртоқлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

● МУҲАРРИРИЯТГА ХАТЛАР

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Маълумки, Президентимизнинг Фармони билан ўқитувчиларга, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар берилган. Бу имтиёзларда, хусусан, пенсионер ўқитувчилар ҳам газдан бепул фойдаланишлари айтилган. Бироқ, Оҳангарон туман газлаштириш идораси фармондан бехабарга ўхшайди. Негаки, Қорахтой қишлоғида яшовчи нафақахўр ўқитувчилар Онор Эламасова, Онорбой Ҳолтўраев, Раъно Йўлдошева, Лутфи Раҳимбердиева, Эржон Арслонов, Қурбон Аҳмедов ва бошқалар газдан бепул фойдаланмайдилар.

Юқоридаги Фармоннинг 3-бандида «Қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги қўрғонларда истиқомат қилаётган мактаб ўқитувчилари ва болалар тарбиячилари квартира ҳақидан ва коммунал хизмат (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) ҳақини тўлашдан озод қилинсин», деб ёзиб қўйилган.

Бозор иқтисоди бошқа касбдаги ишчи-хизматчилар қатори ўқитувчилар ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ахир, бу ҳақда ким ўйлаб кўради?

Фармон, албатта, бажарилиши керак. Газ таъминоти ўз вақтида амалга оширилиши зарур. Қолаверса, ноябрь ойида ҳокимиятда бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбекгаз» жумҳурият ташкилотининг раҳбари суюлтирилган газ етарли миқдорда бўлади, деб ишонтирган эди-ку! Бироқ, ҳамон қишлоқларда газ таъминоти қониқарсиз аҳволда қолиб келмоқда.

Раҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Оҳангарон район меҳнат биржасининг ҳуқуқий бўлими бошлиғи.

● ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ҲАЙРИЯ-ЭҲСОН ЙИҒИЛИШИДАН

МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ—БУРЧИМИЗ

ХАЛҚИМИЗ азалдан ёрдамга муҳтож инсонларга ўз мурувватлари ва саховатларини аямаганлар. Улар ҳолидан тез-тез хабар олиб турганлар, турли хил байрамларда, ҳайит ва рамазон кунларида бетобларни йўқлаб, ночор ва ногирон оилаларга кўмак берганлар, бошига мусибат тушганда ҳамдард бўлганлар. Уларнинг бундай яхши анъаналари авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолган. Бугунги кунда бу урф-одатлар янгича тус олмоқда. Турли хил жамиятларда махсус жамғармалар ташкил этилди. Кейинги йилларда Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган марафон, ҳайрия концертлари, спорт ўйинлари, Янгийўл шаҳрининг фаолиятини яхшилашга ёрдам бермоқда. Уларда тўпланган маблағлар қанчаданқанча савобли ишларга сарфланмоқда.

Мен шу ўринда Флюра Латипова раислик қилаётган Тошкент вилояти Қизил Яримой жамиятининг олиб бораётган ибратли ишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. 180 га яқин киши хизмат қилаётган бу жамоадан ҳамма миннатдор. Унда 15 га яқин тиббий ҳамшираларимиз ўзларига бириктирилган участкаларда ги минтақа яқин ногирон, ночор, кўп болали оилалар ва ёлғиз кишиларнинг оғирини енгил қилмоқдалар, кундалик рўзғор ишларида ёрдам бермоқдалар, беморларга медицина хизматини кўрсатмоқдалар. Хуллас, уларни яккалатиб қўймаяптилар.

Тўғри, жамият ҳали кўпгина ишларни амалга оширолгани йўқ. Бунга биринчидан, жамиятнинг моддий томондан ҳали бақувват эмаслиги бўлса, иккинчидан эндигина мустақил иш юрита бошлаганлиги сабабдир.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти Қизил Яримой жамияти Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ жойларда ушбу жамғармага маблағ тўплаш ўн кунлиги тадбирларини бошлаб юборди. Биринчи ҳайрия тадбири Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди. Шаҳар меҳнаткашлари унда фаол қатнашиб, жамғармага 2 миллион сўмдан ортиқ пул ўтказдилар. Куни кеча ангренликлар ташаббусига қўшилиб, Янгийўл шаҳрида ҳам ҳайрия-эҳсон кечаси бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг турли шаҳар ва районларидан ташриф буюрган меҳрибарё, саҳий кишилар тўпландилар.

Кечани вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ. Ҳ. Ҳамидов кириш сўзи билан очди. У Қизил Яримой жамиятининг ҳаётимизда нақадар муҳим ўрин тутиши ҳақида гапириб ўтди.

— Бу жамият турли тасодифий ҳолларда ночор аҳволга тушган, табиий офатлар натижасида жабр кўрган кишиларга биринчилар қаторида ёрдам қўлини чўзиб келмоқда, — деди у сўзини давом эттириб. — Буни Жигаристонда рўй берган мудҳиш воқеа, баҳор фаслида содир бўлган Бекобод, Оққўрғон ва Тошкент районларидаги сув тошқинлари каби ходисалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Табиат келтирган бу офатларда аввало инсонлар тақдири масаласи ҳал қилинди, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар тарқатилди. Бугунги кунда донорлар қонининг 89 фоизини шу жамият орқали олинмоқда. Бундан ташқари етим-есирлар, кам даромадли, ночор оилаларга ҳам кўмак берилмоқда. Албатта, мен бу ўринда ушбу жамиятга мадад қўлини чўзаётган лабзи ҳалол, пок, меҳнаткаш, мард халқимизга ташаккур билдирмоқчиман.

Шундан сўнг вилоятимизнинг ҳар бир район, шаҳар, ташкилот, корхона ва муассасаларидан келган вакиллар сўзга чиқиб, ўз имкониятлари даражасида маблағ ўтказажакларини айтдилар. Жумладан, Бекобод районининг соғлиқни сақлаш ходимлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, халқ таълими ходимлари, ўртачирчиқ районининг «Гулистон», А. Икромов номли жамоа хўжаликлари, Олмалиқ мебель, гилам ишлаб чиқариш бирлашмалари, жамғармага муносиб улуш қўшдилар. Вилоят халқ таълими, медицина ходимлари, чирчиқлик металлурглар, Бўка, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Паркент, Оҳангарон, Зангиота, Пискент ва чиназлик турли касб эгалари, ишчи ва деҳқонлари, саноат ва транспорт, савдо ва умумий овқатланиш, санъат ва маданият ходимлари ҳам ўзларининг дил сўзларини айтиб, ҳайрияни бойитдилар.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, халқ таълими бошқармаси, сув хўжалиги бошқармаси, савдо концерни, умумий овқатланиш корхоналари ҳам саховатларини аямадилар.

Ҳайрия кечасида санъаткорлар қатнашдилар. Янгийўл шаҳар «Заррин япроқлар» фольклор дастаси қатнашчилари ўзларининг куй-қўшиқлари билан меҳмонларни хушнуд этдилар. Даста раҳбари 68 ёшли қаҳрамон она, уруш ва меҳнат фахрийси Карима Раимжонова бир ойлик 2871 сўм нафақасини жамғармага ўтказди. Шу куни жамғармага 7 миллион сўмга яқин маблағ тушди.

— Бугунги тадбир вилоятимиз меҳнаткашлари ташкилотларининг жамоаларининг ниҳоятда саховатли, меҳр-оқибатли эканликларини кўрсатди, — деди вилоят Қизил Яримой жамияти раиси Флюра Шукруллаевна биз билан суҳбатда, — очиғини айтсам, бундай қийин шароитда жамиятимизни бунчалик қўллаб-қувватлашларини тасаввур этмагандим. Биз меҳрли, оқибатли кишилар олдида ҳамиша таъзимдамиз.

Флюра Латипова бизга бу тадбир энди ҳар йили мунтазам ўтиб туриши ҳақида ҳам гапириб берди. Демак, ҳар йили саховатлилар сафи кенгаяди. Ногиронлар, ёлғиз кексалар, етимесирларга ғамхўрлик шу тарзда ортиб бораверади.

У. МАНСУРОВА.

ЙЎЛ АЗОБИ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

ЗАНГИОТА туманидаги Назарбек қишлоқ бўлса ҳам унча-мунча шаҳарчадан қолишмайди. Унинг йўналиши ва атрофида минг-минглаб аҳоли яшайдиган кўплаб қишлоқлар, истиқомат манзилгоҳлари ҳам бор. Бу жойларда яшовчилар орасида республикамиз пойтахти корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида ишловчилар кўп, кўпчилик оилалар рўзғори юмушлари билан шаҳарга тушадилар. Боғ-роғларда, далаларда етиштирган мева-сабзавотлари, чорвачилик маҳсулотларини бозорларга олиб борадилар, шаҳарликлар дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшадилар.

Лекин, уларни деярли ҳар доим ранжитадиган, асабларини бузадиган, ҳафсаларини пир қиладиган бир сабаб бор, у ҳам бўлса транспорт хизмати кўрсатишдаги камчиликлардир. Шу атрофга бир қанча йўналиш бўйича қатнайдиган автобуслар бўлса-да, уларнинг хизматидан деярли ҳеч вақт кўнгил тўлмайди.

Биргина Назарбек қишлоғимиздан 163-, 171-, 184-, 185- ва 190-йўналишли автобуслар ўтади. Уларнинг охирги бекати бошқа қишлоқларда. Доим йўловчилар энг тўла бўладиган, шу сабаблими ҳайдовчилар қишлоғимиздаги бекатда кўпинча тўхтамай ўтадилар. Айниқса, эрталаб ва ишдан қайтиш пайтида шундай бўлади. Сабаб — ҳайдовчилар деярли жадвалга амал қилмайдилар, охирги бекатларда автобус анча тўлишини кутиб турaверадилар. Бундан йўналишдаги аҳоли манзилгоҳлари меҳнаткашлари ниҳоятда азият чекадилар. Буниг устига одам анча тўла автобусларда кексалар, аёллар, айниқса гўдак болалар қийналишмоқда.

Назарбек қишлоғида яшовчилар номидан:
Иброҳим СУЛТОНОВ
Улуғ Ватан урушн ногирони.

ЭЪТИҚОД

- ИНСОНПАРВАРЛИК ҚОМУСИ
- ТАШКИЛОТ НУФУЗИ ОРТМОҚДА
- ҚАЛБЛАРГА ҚУЛОҚ ТУТИБ

УЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ САҲИФАСИ

ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИК КЎЗГУСИ

УШБУ ҳаётий ҳужжатнинг мазмунини оммага тушунтириш, матнини муҳокама қилиш юзасидан муайян ишлар олиб борилди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашида жойларда ушбу ҳужжатлар мазмунини ўрганиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи мутахассис олимлари, Конституция лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг аъзолари, шунингдек, бошқа ҳуқуқшунос ва жамиятшунос мутахассислар киритилди. Бу ишчи гуруҳи вилоятдаги кўплаб меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда тушунтириш ишларини олиб бордилар. Шунингдек, партия аъзолари, кенг жамоатчилик фикрини ўрганиб, умумлаштирувчи марказ ҳам жамоатчилик асосида иш олиб борди.

Октябрь ойининг бошида вилоятнинг барча шаҳар, районларида бошланғич партия ташкилотларида ушбу ҳужжатни ўрганиб, муҳокама қилиш масаласига бағишланган партия ташкилотлари котибларининг кенгайтирилган йиғилишлари ўтказилди. Шу масала юзасидан район ва шаҳар партия кенгашларининг кенгайтирилган ижроия бюролари ҳам бўлиб ўтди. Район, шаҳар партия ташкилотлари маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ушбу ҳужжатлар муҳокамасига бағишланган партия, хўжалик фаоллари йиғилишларининг ташаббускори ва ташкилотчилари бўлдилар.

Умуман вилоятимиз партия ташкилотларида бу ҳужжатни ўрганиш ва муҳокама этишга бағишланган йиғилишларни турли шаклларда ўтказишга эришилди. Масалан, Янгиобод, Красногорск шаҳарларида (уларнинг ташаббусига кўра) мазкур ҳужжатларни тушунтиришга бағишланган семинар-кенгаш уюштирилди. Янгийўл шаҳар, Чиноз, Ўртачирчиқ, Қибрай, Тошкент район партия кенгашларида ҳокимлар билан ҳамкорликдаги кенгаш-учрашувлар, Зангиота район партия кенгашида кенгайтирилган ижроия бюро, Чирчиқ шаҳрида «Учрашувлар» тадбири бўлиб ўтди.

Айни пайтда, район, шаҳар партия кенгашларида, бошланғич партия ташкилотларида асосий қонун лойиҳасини ўрганиб, муҳокама қилишнинг якунларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар, Бўстонлиқ район кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган пленумлари мазкур ҳужжатларни муҳокама қилишнинг якунларига бағишланди. Бошланғич партия ташкилотларида Конституция лойиҳаси муқонун лойиҳасининг мазмунини ҳаётга янада яқинлаштириш, унинг тилининг янада равонлигига эришиш, уни мавжуд ижтимоий воқеликни аниқ-равшанроқ ифодаланиши юзасидан минглаб таклиф ва истаклар билдирилмоқда.

Уларни жамлаб, характерлиларини қуйидаги йўналишлар бўйича гуруҳлаштиришни лозим топдик.

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигининг бир йиллигини нишонлади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган дастлабки пайтлардаёқ янги типдаги демократик дунёвий давлат қурди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг бир палатали Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади» дейилган. Муҳокама иштирокчиларининг аксарияти фикрлар хилма-хиллиги ҳамда мажлисининг тўлақонли тарзда фаолият кўрсатиши учун Олий Мажлисни икки палатадан иборат бўлиши демократия талабларига мувофиқ келган бўлур эди, деган таклифни билдиришган.

Шу ўринда Олий Мажлисни шакллантириш механизми нимага асосланган деган саволлар берилган.

Муҳокама иштирокчилари, халқ ноиблари Кенгашлари, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида анча кам фикр билдирилган. Шу боис мазкур бобни қайта ишлаб, халқ ноиблари кенгашларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгроқ ва равшан кўрсатилиши керак, деган таклифлар тушяпти. Шунингдек, шаҳар, район судлари халқ томонидан умумий овоз бериш йўли билан сайланиб, тегишли вилоят кенгаши сессиясида тасдиқланса, деган истаклар билдирилган.

Маълумки, иқтисод жамиятнинг негизидир. Ушбу лойиҳанинг «жамиятнинг иқтисодий негизлари» ҳақидаги боби таҳрирталаблиги айтилмоқда. Муҳокама иштирокчилари мулкчилик шаклларини (ижтимоий, коллектив мулкчиликнинг турли кўринишлари, хусусий ва шахсий мулк кабиларни) лойиҳада кенг ва батафсилроқ шарҳлаб берилиши лозимлигини айтишмоқда.

— Кўпчилик: «Бозор муносабатларига ўтишнинг негизи нимада? давлат корхоналарини кишилар қўлига хусусий мулк тарзида беришдами, ёки уларни меҳнат жамоалари ихтиёрига беришдами? деган саволга Конституцияда аниқ жавоб берилиши керак, деган мулоҳазани билдиришмоқда. Лойиҳада бу борада меҳнат жамоаларига кўпроқ устунликлар берилиши қайд этилишини таъкидлашмоқда.

Юқоридаги шартларнинг бажарилишини таъминлаш кўп укладли рақобатли иқтисодиётнинг мустаҳкам асосини қўйиш имкониятини яратган бўлур эди. Бу эса ташаббускорликнинг кучайишига олиб боради, фуқароларнинг ўз имкониятларини тўла-тўкис намойиш этишларини таъминлайди. Жамиятнинг шундай иқтисодий негизи яратилса фуқароларнинг бурч, ҳуқуқ ва эркинликларини намойиш этиш имконияти кенгайдики, бу жамиятни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Жамоа хўжалигимизнинг Ўзбекистон ХДП бошланғич партия ташкилоти таъсис мажлисидан кейин бирмунча ишларни амалга оширди. Таъсис мажлиси ўтган вақтда партия ташкилоти ҳисобидаги партия аъзоларининг сони 64 кишини ташкил қилган эди. Ҳозирги кунга келиб партия аъзоларининг сони 104 кишига етди.

Партия ташкилоти ўз ишини режа асосида олиб бормоқда. Мажлисларда масъулиятини оширишга қаратилган масалалар кўрилаётир. Партия аъзоси, хотин-қизлар кенгаши раиси З. Муродованинг ҳисоботи, колхозчиларга меҳнат ҳақи тўлашнинг аҳволи ҳақида бош ҳисобчи И. Ҳошимовнинг ҳисоботи, хусусан, уруш қатнашчилари, ногиронлари ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг эҳтиёжини қондириш борасида жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси олиб бораётган ишлари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди ва тегишли чоралар кўрилди.

Партия ташкилоти тумандa ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш ташаббуси билан чиқдики, у кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз Президент фармонларининг бажарилишига кўмаклашишни ўзимизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири деб билиб, томорқалардан фойдаланиш, уруш қатнашчиси ва ногиронларига берилган имтиёзлар қандай бажарилаётганликларини ҳам доимий эътиборда ушлаб турибмиз. Жамоа хўжалиги бу йил аҳолига 300 тонна сомон, 500 тонна пичан, 60 тонна беда сотган бўлса, шундан 42 тоннаси уруш қатнашчиларига ва боқувчисини йўқотган оилаларга тарқатилди.

Ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш, уларга турли моддий ёрдам кўрсатишда ҳам партия аъзолари фаоллик кўрсатмоқдалар. Фақатгина 1992 йилнинг ичида қишлоқда 78 кишига 12500 сўм пул ёрдами берилди. Партия ташкилоти уларни доимий оталиққа олган. Жамоа хўжалиги бўйича кам таъминланган 12 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди.

Ташкилотимиз дафн маросимларини ҳам ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўтказиш борасида бир мунча ишларни амалга оширмоқда.

Т. МУҲИДДИНОВ,
Бўстонлиқ туманидаги «Қўшқўрғон» жамоа хўжалиги



БУ ИИЛ Ўзбекистон ХДП Пискент район кенгаши партия аъзолари сафи фахрийлар ҳисобига янада мустаҳкамланди. Ҳаёт тажрибасини кўрган бундай кишилар тарбиявий ишларни олиб боришда ташкилотларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. СУРАТДА: район кенгашининг биринчи котиби Ҳимайдулла Акромов меҳнат фахрийси Олимжон Зокировга аъзолик билетини топшириб, уни қутламоқда.

Д. АҲМАД суратга олган.

НОИБЛАР ГУРУҲИ ТАСДИҚЛАНДИ

Халқ депутатлари Зангиота район кенгашининг X сессиясида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бўлган район кенгаши депутатлари фаолиятини бирлаштирган ноиблар гуруҳи тасдиқланди.

Ноиблар гуруҳи ўз фаолиятида сайловчиларнинг наказлари ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларига асосланиб иш олиб боради. Район кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП Зангиота район кенгашининг биринчи котиби Ш. Ҳ. Муҳамаджонов Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган депутатлар гуруҳининг раҳбари этиб сайланди.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Пискент район кенгашининг навбатдаги ижроия бюросида ХДП аъзоси бўлган қишлоқ, район кенгашлари ноиблари гуруҳи фаолияти кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан махсус ишчи гуруҳи тузилиб, депутатлик ишини ташкил этиш бўйича иш олиб борилди. Ҳозир райондаги 6 та қишлоқ шўросида Ўзбекистон ХДП аъзоларидан иборат бўлган ноиблар гуруҳи ишлаяпти.

И. ХУСАНОВ.

КЕЛАЖАКНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТЯПМИЗ

Пардабой Мирзалиев Ўрта Чирчиқ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида Ўзбекистон ХДП бошланғич партия ташкилоти котиби. У етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти аҳоли ўртасида ишонч, эътибор қозонган. Мухбиримиз П. Мирзалиев билан бошланғич партия ташкилотида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида суҳбатлашди.

— Аввал иқтисод, кейин сиёсат, деган гап бор. Бозор иқтисодий хўжаликни юритиш ва бошқаришнинг янги усулларига ўтишни тақозо этяпти. Суҳбатимизни шу мавзудан бошласак.

— Қишлоқларимиз иқтисодиёти бир томонлама, яъни фақат хомашё ишлаб чиқаришга мўлжалланганлиги, бу ўзини оқламади. Даврнинг ўзи қишлоқда ҳам маҳсулотларни жойида қайта ишлайдиган кичик корхоналар ташкил этилишини талаб қилмоқда. Мустақиллик шарофати билан қишлоқларимизда маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар қурилмоқда. Хўжалигимизда ҳам пахтани қайта ишлайдиган корхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бу корхона яқин кунларда ишга туширилади. Бу корхона бир йилда 3 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, 50 кишини иш билан таъминлайди. Пахтадан олинадиган бошқа маҳсулотлар ўз эҳтиёжларимиз учун сарфланади. Хўжалигимизда шлакбетон тайёрлайдиган цех ишлаб турибди, кичик корхонада кунига 1000 дона шлакбетон ишлаб чиқарилади. Атлас тўқиш цехи очилди. Ғишт ишлаб чиқиш цехи, теплица қуриляпти.

Иккинчи янгилик шундаки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини халқнинг талаб, эҳтиёжига мослаб етиштиряпмиз. 65 гектар ерга бугдой экиб, 240 тонна дон олдик. Бу ғаллани ун қилиб, қишга тайёрлаб қўйдик. Хўжалигимизда биринчи марта гречка, қанд лавлаги экилди, яъни 10 тонна гречка, 200 центнер қанд лавлаги етиштирилди. Жамбул шаҳридаги қанд-шакар тайёрлайдиган корхона билан шартнома туздик, биз уларга хом ашё, улар бизга қанд-шакар етказиб беради. 130 гектар ерга шоли экдик, ҳар бир колхозчига 250-300 килограммдан арзон нархда шоли берамиз.

— Хўжалик юритишнинг янгича шакллари, янгича иқтисодий муносабатлар иқтисодиётни кўтаришга қанчалик таъсир кўрсатяпти?

— Янгича иқтисодий муносабатлар қачонки маҳаллий шароит талаби ва имкониятига монанд равишда жорий этилса, яхши иқтисодий самара беради. Чунки унинг замирида моддий манфаатдорлик туйғусини, хўжайинлик ҳиссини ошириш ётади. Президентимиз Фармонларига кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид ва чакана нархлари оширилди. Энг муҳими етиштирилган маҳсулотнинг муайян қисми хўжаликнинг ўз ихтиёрида қоляпти. Бу маҳсулотларни ўзимиз бозор нархида хоҳлаган жойга сотяпмиз ёки бартер усулида маҳсулот, товар олиб келамиз. Бу имтиёзлар, иқтисодий эркинликлар ишлаб чиқаришни мумкин қадар кўтариш, жуда бўлмаса, шу даражада ушлаб туриш имкониятини туғдиради. Масалан, пилла етиштиришдаги қийинчилик ва маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, етиштирилаётган пилланинг ҳар бир килоси учун 20-30 сўмдан қўшимча ҳақ тўладик. Натижаси яхши бўлди, шундай қийин бир шароитда пилла тайёрлаш режасини ошириб бажардик.

Қишлоқ иқтисодиётини бозор муносабатлари талаби даражасига олиб чиқиш учун берилаётган имкониятлар, ишлаб чиқаришдаги иқтисодий эркинликлар туфайли деҳқонларнинг ойлик маошлари 5 баравар оширилди. Ҳар бир колхоз ишчисининг ўртача маоши ошди. Биз бу тадбирни хўжалигимизда Президентнинг кишиларнинг ойлик маошларини ошириш тўғрисидаги фармонидан илгари ишлаб чиққан эдик. Ўз имкониятларимизни аниқлаб, колхозчиларнинг ойлик маошларини янада ошириш йўлларини қидиряпмиз.

— Хўжалик меҳнаткашларининг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш борасидаги ишлар кўлами ҳақида нима дея оласиз?

— Хўжалигимизда газлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Шу йили 9-бригадада 2,5 километрга газ қувури ётқизилди, водопровод ўтказилди, 5-бригадада газлаштириш, водопровод ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилса, хўжалигимиз ҳудуди 100 фоиз газлаштирилади. 140 ўринли янги болалар боғчаси ишга туширилди. Масжидлар қуриш, қабристонларни ободонлаштиришга бўлган эътибор ҳам қучайтирилмоқда.

— Партия ташкилотининг кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?

— Колхозчиларга арзон нархда 2-3 қопдан ун, ҳар бир кишининг эҳтиёжига қараб ўсимлик ёғи, қанд, шакар, гўшт (30 сўмдан) берямиз. Ҳар бир колхоз ишчисига 20 метрдан чит ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари тарқатилди. Қаровчиси бўлмаган меҳнат фахрийларига ўз ҳисобимиздан бир қопдан ун, 50 сўмдан пул бердик. Бундан ташқари, ёрдам сўраб келган кишиларнинг талаблари қондирилмоқда. Меҳнаткашларга жамоа хўжалиги ихтиёридаги транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш имконияти берилган, яъни улар транспорт хизматидан фойдалангани учун 50 фоиз пул тўлашади.

Республика Мустақиллик куни муносабати билан меҳнат фахрийлари, ногирон кишиларга жамоа хўжалиги ҳисобидан 3 минг сўмлик ўсимлик ёғи, шоли, ун тарқатдик. Ишлаб чиқариш илғорларига 5 минг сўмлик совға инъом этилди. Байрам куни хўжалигимизда 200 килограммлик ош дамланиб, катта дастурхон ёзилди, савдо ярмаркаси уюштирилди. Ҳаваскорлар, халқ талантлари ўз истеъдодларини намойиш этиб, халқимизнинг руҳини кўтарди.

Партия ташкилоти ўзининг ҳар бир йиғилиши натижали бўлиши учун ҳаракат қиляпти. Йиғилишларда партиямизнинг дастурий мақсадлари, сафимизни мустаҳкамлаш, аъзолик бадаллари тўлашнинг бориши кўриб чиқилди.

— Халққа эркинлик берилди. Биз шу имкониятдан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана билишимиз керак. Бирон-бир масаланн халқ билан кенгашмасдан амалга ошириш қийин кўчади. Сиз бошқараётган партия ташкилоти бу борада қандай ишлаяпти?

— Мустақиллик шарофати билан кўча, маҳалла, қишлоқ мактабларнинг номларини янгилаш — асл ҳолатига қайтариш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Халқ жой номларини ўзгартириш ҳақида талаблар билан келмоқда. Жойларни янгича номлаш баъзан гуруҳлар, маҳаллалар ўртасидаги тушунмовчиликни кучайтирмоқда. Чунки бир жойнинг номини ўзгартириш учун ҳар ким ҳар ҳил таклиф киритади. Бирининг таклифи бошқасига маъқул келмайди. Шу ўринда етти ўлчаб бир кес, қабилида иш юритилмаса, одамлар ўртасида норозилик кучайиб кетади, бунинг оқибатида ташвиш кўпаяди.

— Қандай ташвишлар сизни кўпроқ безовта қилади?

— Энди мустақил бўлиб олдик. Ҳар ким ўзига мустақил, четдан ёрдам кутмаяпмиз. Асосий ташвиш иқтисодда. Иқтисодимиз яхши бўлса, тўкин-сочинлик бўлади.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

ОДАМЛАР БИЛАН БИРГА, ОДАМЛАР УЧУН

«АНГРЕН» давлат ижара хўжалигидаги Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг бошланғич ташкилоти Оҳангарон районидаги энг бақувват партия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг сафида элликдан ортиқ партия аъзоси бўлиб, улар хўжалик ишлаб чиқаришининг турли жабҳаларида алоҳида фаолият кўрсатишаётир.

Хўжалик партия ташкилоти ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишларни жонлантириш борасида ҳам белгиланган режалар асосида таъкидлашга арзирли ишларни амалга оширмоқда. Бошланғич ташкилотнинг котибаси Маҳбубахон Аҳмадхонованинг ташаббуси билан яқинда ижарачилар, механизаторлар, қишлоқ зиёлиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласи атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишда сўзга чиққан партия аъзоларидан агроном Т. Нажимов, директор муовини Э. Мусурмонов, механизатор И. Урмонов ва бошқалар рисолада кўтарилган масала— Республикани иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиш йўлларига катта баҳо бердилар.

Хўжалик партия ташкилоти ишчилар ўртасида меҳнат интизомини яхшилаш, ишчи ва ишҳ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мусобақа шартларининг бажарилишида шахсий масъулиятнинг устиворлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Совхоздаги Халқ Демократик партиясининг аъзоларн кучи билан фақат шу йилнинг ёз ва куз ойларида дала шийпонларида, марказий таъмирлаш устахоналарида, сут-товар фермаларида ўндан ортиқ маъруза ва суҳбатлар ўтказилиб, унда Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига онд янгиликлар омма ўртасида кенг ташвиқ қилинди. Партия ташкилотининг ташаббуси билан ўтказилаётган бу муҳим тадбирларда иштирок этган ижара хўжалиги раҳбари Жўра Хўжамбердиев, бош зоотехник Яшин Исматов, мактаб директори Маҳбубахон Аҳмадхонова, иқтисодчи Абдужаббор Абдураззоқов, бўлим бошқарувчилари, бош мутахассислар маъруза ва суҳбатлар билан чиқишни одат тусига киритдилар. Албатта, бу тадбирлар хўжалик ишлаб чиқаришига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Натижада хўжалик шу йилнинг ўзида дала ва боғларда ишлаб чиқарилган 4,5 минг тонна сабзавот, 400 тонна картошка, 190 тоннадан ортиқ хўл мевани сотишга эришдилар. Бу эса хўжалик ишлаб чиқаришига мўмай даромад келтирди.

Бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан аҳолини, шу жумладан кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз, боқувчиси бўлмаган оилаларни ижтимоий муҳофаза этиш масаласи ҳам доимий эътиборга қўйилди. Аҳолининг шахсий чорвасини тараққий эттириш мақсадида уларга 250 тонна хашак сотилди, ишчиларга ҳар ҳафтада икки килограммдан гўшт сотиш жорий этилди, шунингдек ҳамма ишчиларга арзон нархда 50 килограммдан ғалла, сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Партия ташкилоти ёш оилаларнинг моддий аҳволини ўрганиб чиқди. Ва сўнгги бир йил ичида 100 нафардан кўпроқ ёш оилаларга уй қуриб олиш учун ер участкалари ажратиб берилди. Ана шундай оилалардан Ж. Қиннибоев, Т. Муҳамедов, Т. Тиллаевлар аллақачон янги уйларни қуриб, ҳовли тўйлари ўтказишига ҳам муваффақ бўлдилар.

Хўжалик маъмурияти бошланғич партия ташкилоти берган тавсиялар асосида янги ер участкаларн олган оилаларга ёрдам сифатида 40 кубометр тахта, 50 тонна цемент ва 3,5 минг дона шифер берди. Айни пайтда ёш оилаларга 350 қўй ва эчкилар сотилди. Муҳтож оилалар учун 20 бош сигирлар берилдики, бунда ҳам партия ташкилоти асосий ташаббускор бўлган.

Ҳозирги кунда партия ташкилоти аҳоли пунктларидаги аёллар, шунингдек маҳаллалардаги оммавий-тарбиявий ишларни тараққий эттириш учун партия кенгаши аъзоларини бириктириб қўйган. Жамол Қўчқоров, Қўзибой Тошбоев, Абдураззоқ Ҳусанов сингари партия аъзолари раҳбарлик қилаётган Қайирма, Уваж, Оқча аҳоли пунктларида ҳафта сайин аҳолининг, маҳалла ёшларининг Ўзбекистон ёки жаҳондаги кундалик янгиликлар билан таништириб туриш одат тусига кириб қолди.

Қишлоқларда тўйлар ва бошқа маросимларни камчиқим, ихчам ва тартибли ўтказишни ҳам партия ташкилотининг ўз зиммасига олди. Аксари жойларда тўйларнинг фақат кундузи бўлиб ўтиши, улар ичкиликсиз, ортиқча ҳашамларсиз ўтишида партия ташкилотининг котибаси М. Аҳмадхонова, шунингдек партия аъзолари Саодат Исмоилова, Норхол Аҳмедова, Насиба Бейлиева, Хожалхон Акромова ва бошқаларнинг жуда катта хизматлари бор. Айниқса Рисгул Анорбоева, Адҳам Обилов, Ҳалима Бойчаевларнинг хонадонларида ўтган тўйлар ҳар жиҳатдан ибратли бўлгани ҳали қишлоқликларнинг ёдларидан чиққани йўқ.

— Биз партия сафларини ўстиришга ҳам жиддий эътибор бераяпмиз, — дейди бошланғич партия ташкилотининг котибаси Маҳбубахон Аҳмадхонова. — Сўнгги пайтларда партия сафларига Бозоргул Пўлатова, Комил Холматов сингари муаллимлар, Абдусалом Раҳимов, Муҳиддин Жабборхонов каби механизаторлар, Турдибой Нажимов, Абдусаттор Ашуровга ўхшаган хизматчи мутахассислар ҳам қабул қилинди. Яқин кунларда сафимиз яна ўнга яқин сигир согувчи аёллар, чўпон йигитлар, боғбонлар билан ҳам кўпаяди.

Бироқ партия ташкилоти ишини кузатганимизда айрим жиддий хатолар ҳам намоён бўлиб қолди. Фото-сурат қоғозларининг йўқлиги сабабли ҳалигача ўнга яқин партия аъзоси суратга тушмай, янги партия билетларини олишгани йўқ.

— Яна бошқа камчиликларимиз ҳам бор, — дейди М. Аҳмадхонова. — Лекин яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида ана шу нуқсонларни бартараф этиш чораларини белгиладик. Юқорида эслатилган нуқсонлар яқин кунлар ичида тузатилишига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Биз ҳам котибанинг сўзларига ишондик.

Мўмин ҚАЮМОВ.



ФАОЛИЯТИ тобора кучайиб бораётган Ўрта чирчиқ районидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти терим мавсумида астойдил фаоллик кўрсатди.

СУРАТЛАРДА: колхоз раиси Қозоқбой Соттибоев ва бош ҳисобчи Карим Эгамовлар бу йил юқори ҳосил берган уруғлик пахта навини кўздан кечирмоқдалар; ХДП бошланғич ташкилоти котиби Абдулла Ҳолбеков колхозчи-ёшлар орасида ҳосилнинг сўнгги мисқолларигача йиғиб олиш борасида суҳбат ўтказмоқда.

Суратказ В. ХАРИТОНОВ.

• *Долзарб мавзу*

«ЯНГИОБОД»: ЯНГИ ИШЛАР, МУАММОЛАР, ЖУМБОҚЛАР

БАЪЗАН шундай бўладики, одам ҳаётда ўз ўрнини топгунча анча қийналади. Устоз кўрмаган шогирд сингари ҳар мақомга йўрғалайди. Чиноздаги «Янгиобод» давлат хўжалиги ҳақида фикр юритилганда ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Қозоғистоннинг энг адоқ ерларига тутатиб кетган хўжалик ҳудудини бир вақтлари райондаги хўжаликлар ўзларича бўлиб олишиб, чорва-қўй боқишарди. Кейин ана шу заминда пахтакор хўжалиги ташкил этилди. Лекин, қирадир ерларда, табиийки, бу экиндан яхши наф кўриб бўлмайди. Ниҳоят ақллашиб, бу ерда чорвачиликка ихтисослашган хўжаликни ташкил этдилар. Ана шундан буён етти йилдан ортиқ вақт ўтди. Бироқ, чорва ҳам ҳадеганда ривожланавермади. Биринчидан, хўжаликнинг чекка, овлоқ ерда жойлашганлиги панд берса, иккинчидан, бу ерга ҳадеганда «оёқ-қўлли», эл-юрт билан чиқишиб, апоқ-чапоқ ишлайдиган раҳбар келавермади. Қисқа вақт ичида раҳбар беш марта ўзгарди.

НИҲОЯТ 1989 йили айни қиш пайтида бу хўжаликда олтинчи директор бўлиб Эгамберди Бойназаров иш бошлади. Афтидан, мутахассислар уни бежиз танлашмаганди. Чунки, Э. Бойматов оддийдан чиқиб, ҳамма босқични босиб ўтган эди. Турғунлик йилларининг «гашти»ни ҳам сурган. Қайта қуришнинг машаққатли йўлларини босиб ўтган мутахассислардан ҳисобланарди. Қишлоқ хўжалиги илмгоҳининг агрономлик-иқтисодчи бўлимини тугатган. Ўз фаолиятини тумандаги Оҳунбобоев номли колхозда бригадирликдан бошлаган. Кейин катта агроном бўлди, бош агрономлик қилди. Халқ депутатлари туман ижроия комитети раиси лавозимида ишлади. Сўнг озроқ «танаффус» қилди: сабоқ олди. У ердан келиб, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасида ўринбосар, сўнг яна собиқ Ғалаба райони ижроия комитети раиси бўлиб меҳнат қилди. Дўстлари, ҳамкасбларининг гувоҳлик беришича, у қаерда меҳнат қилмасин, ўзини аямасдан тер тўкарди.

Биз унинг Қашқадарё вилояти Баҳористон районида — ҳаммаёғи қумликлардан иборат бўлган яйдоқ маконда биринчи котиб бўлиб ишлаганлиги, одамларга бош-қош бўлиб, машина-машина тупроқ ташиб келтириб, қумликлар устига солиб, у ерга сув чиқариб, мевали дарахт кўчатларини эктириб, кўкартириб олишдек машаққатли ишларда ҳам чарчашни хаёлига келтирмаганлиги ҳақидаги одамлар ҳикоясини эшитганимизда, чўлда ишлашнинг ўзи бўлмаганлигини тасаввур қила олдик. Ахир, ҳаммаёқ очиқ, бунинг устига эллик-олтмиш даража иссиқ. Бир терлагандан сўнг эгни-бошингиз шалаббо бўлади, лекин, ишлайверасиз. Инсон боласининг жони темирдан бўларкан-да! Бироқ, бу «темир одам» ҳам бардош бера олмади, чоғи. Эгамбердининг оёқ-қўли ишламай, шол бўлиб қолди. Қайтиб келиб, узоқ даволанди. Соғайгач, яна ишга тушиб кетди. Юқорида айтганимиздек, мазкур хўжаликка бош бўлиб келди. Бу хўжалик кўп ўтмай Ўрта Осиё темир йўли тасарруфига берилди.

Эгамберди ёнига фаолларни олиб, аҳволни ўрганди. Ер майдони бундай қараганда катта эди: 3 минг гектардан ошарди. Бироқ, айлансангиз ваҳмингиз келади. «Пўстдумба»га чиқиб кетган майдонлар кўп эди. Лекин, астойдил ҳаракат қилинса, чорвага керакли ем-хашакни бемалол етиштириш ва четдан сотиб олмаслик мумкин эди. Ана шунга ҳаракат қилиш керак! Бироқ, бунинг учун, энг аввало, чорвани яхшилаб олиш зарур. Чорва эса ночор аҳволга тушиб қолган. Зотлар аралашиб кетган, ҳаммаси бир ерда боқиларди. Янги туғилган бузоқларга ҳам, ғунажинларга ҳам қараб бўлмасди, рамақижон.

Ерни ер қиладиган деҳқон. Чорвани эса мутахассис тадбиркор одам бўлса, оёққа турғазиши мумкин. Шунинг учун директор ишни мутахассисларни танлашдан бошлади. Жаббор Ортиқов — бош мол дўхтири, Мирвали Фозилов — бош зоотехник, Нишонбой Ўролов — катта зоотехник бўлиб ишлай бошлашди.

— Сизнинг зиммангизга катта масъулият юкланади, — деди директор зоотехник-селекционер Зиёд Давлатов билан дилдан суҳбатлашар экан. — Чунки бузоқчилик — чорвачиликнинг асоси ҳисобланади. Ҳозирги аҳвол ачинарли. Энди бундан буён янги туғилган бузоқлар ўзини тутиб олгунча, онасидан ажратилмаслиги, сутга қониши керак. Бўлмаса, ўсиши қийин. Иннайкейин, бузоқ туғилгандан сўнг отаси ким, онаси ким, бу ҳақда махсус дафтарга қайд қилиб ёзиб борилиши шарт! Ана шунда келгусида сигирларни саралаш, серсут сигирларни қўпайтириш учун имкон яратилади. Махсус туғруқхона ва бузоқлар боқиладиган хоналар ажратилиб, ускуналар билан жиҳозлаймиз.

... Шундай қилинди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқара бошлади. Чунки, биргина директорнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди-да.

У Ўрта Осиё темир йўли бошлиқлари ҳузурига борди. Дардини айтди. Қўярда қўймай раҳбарларни бошлаб олиб келди. Бошлиқ аҳвол ҳақиқатан ҳам ночор эканлигини ўз кўзи билан кўрди.

— Биздан қандай ёрдам керак?

— Энг аввало, зотни яхшилаб олишимиз шарт, — деди директор. — Бунинг учун эса ориқ, жайдари сигирларни гўштга топшириб юборишимиз зарур. Нега маҳсулот камайиб кетди, нега режа бажарилмаяпти, деб қисталанг қилмай турасизлар. То аҳволни ўнглаб олгунимизча, сабр қиласизлар. Кейин ҳиссасини чиқарамиз...

Шу куни бошлиқнинг розилигини олди. Мавжуд сигирларни саралашга киришдилар. Қора-ола зотли моллар алоҳида ажратилди. Уларнинг бузоқлари ҳисоб-китоб қилинди. Темир йўл бошқармасининг имкониятлари катта. Улар ёрдамни аямадилар. Молхоналар таъмирланди, шпалерлар келтирилиб, моллар-нинг тагига қўйилди. Қисқаси, кўп ўтмай моллар «ботқоқ»дан олиб чиқилди. Энди ем-хашаги тўғрисида ҳам астойдил қайғуриш керак эди. Ахир, сигирнинг сути тилида, дейдилар-ку. Бу дегани сигир маҳсулот бериши учун тили айланиб туриши шарт. Хўжаликда 700 гектар ҳайдаладиган ер, 1530 гектар суғориладиган майдон бор. Лекин, ишчи кучи кам. Ҳар гектарга бир одам тўғри келади. Макка, беда, дондун экилди ва пудрат қилиб, бўлиб берилди. Чунки, ҳар бир деҳқон ернинг эгасимаң, деб меҳнат қилсагина яхши ҳосил олинади.

Текис ернинг ўзи йўқ. Салкам 200 гектар майдонни табиий кўллар ташкил этади. Бу кўллар кеч кузга бориб сувга тўлдирилади ва насос орқали баҳорда икки босқичда юқорига кўтариб берилади. Умуман 71 та насос ишлайди.

Табиатнинг ўзи катта марҳамат қилган экан-ку, нега бу кўлларда балиқ боқиб кўпайтириш мумкин эмас, айниқса, ҳозирги танқислик рўй берган шароитда, деб айтишлари мумкин. Лекин, бу кўллар бир текис эмас эди. Бир жойи саёз, бир жойи чуқур. Айтишларига қараганда, бир вақтлари ўрдак ҳам боқиб кўришган экан. Лекин, у маҳалда қўй ва мол гўшти сероб бўлганиданми, эҳтимол, ўрдак гўштини оладиган одамлар топилмаганмиш. Балким, ҳозир ўрдак боқилса, гўштига талабгорлар чиқиб қолар!

Хуллас, совхоз ҳудудидаги ерлар иқлими, шароити айни чорва учун боп эди. Хўжалик аҳли ана шу имкониятдан фойдаланиш йўлларини қидирди.

Биз куз кунларининг бирида хўжаликда бўлиб, фермер Ўринтой Жўлтоев иши билан танишдик. Унинг оиласида беш киши бор. Атрофда экинзорлар ястаниб ётипти. Ўзлари учун баҳоли қудрат уй ҳам қуриб олишган. Ҳар ким ўз майли, ҳоҳиши, ихтисосига қараб, ишни бўлашиб олган. Ота мол боқади, ўғли Аҳмад унга қарашади. Абдурашид — чорвага тегишли техника-ускуналарнинг ишлаб туришини таъминлайди. Онаси Кунсулув ва келин Гулхон сут соғишади.

Биз атрофга назар ташлаймиз. Моллар оғилхоналарда овқатлантирилмоқда. Сағрини ялтирайди, семиз. Шундоққина бостирма тагига ем уюб қўйилибди. Ўзлари етиштирган маккажўхори донини майдалаб ем қилиб олиб келиб беришган. Хўжалик билан тузилган шартнома асосида меҳнат қиладилар. Сутнинг ҳар литрига, қанча бузоқ олингани-ю, шу бузоқларга қандай қаралганига қараб ҳақ тўланади. Подачига мол бош сонига қараб ҳақ беришади. Ҳар биттасига 2 сўмдан. Хуллас, биз қизиқиб кўрганимизда бу оила онига 20—25 минг сўм даромад қилиши маълум бўлди. Сабзавот, картошка ва бошқа егуликлар ўзларидан чиқади.

Биз ўша куни Холиқ Худойқулов, Раҳим Раҳмонов, Фахриддин Иброҳимовларнинг оилавий фермер хўжаликларида ҳам бўлдик. Ҳаммалари ўз ишларидан, меҳнатлари самарасидан, олаётган ҳақларидан, тирикчиликларидан мамнун эдилар. Чунки мол эгасининг қўлига топширилган эди. Эгаси эса молга иложи борича яхши қарайди. Бу маълум нарса. Яхши қаралган мол яхши семиради, сигир семиз ва сersут бўлади.

Чорвачиликда фермер хўжалиги ўзини оқлаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозир бундай фермер тўртта. Ҳар бирига 100 тадан сигир бириктирилган. Келажакда уларнинг сони кўпаяди. Бунинг учун асос бор, тайёргарлик кўриляпти. Сersут сигирларнинг бузоқлари алоҳида сараланиб, махсус парваришланиб, ғунажинлар ўстирилмоқда. Нарироққа бориб бу ғунажинлар орасидан юзтаси сигир қилиб етиштириш учун танланиб, ажратиб олинади. Яна битта фермер хўжалиги ташкил қилинади. Йил сайин иш шу тариқа давом этаверади.

Фермерлар сутни қайта ишлаб сотсак, деган таклиф билан чиқишди. Маъмуриятнинг ҳам фикри шундай эди. Район деҳқончилик-саноат уюшмаси билан ҳамкорликда хўжаликда қайта ишлаш цехи ташкил этилди. Бу цехга Абдурашид Қодиров бошчилик қилмоқда. Ҳар куни 2,5 тонна сут қайта ишланмоқда ва истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Чорвадан келадиган даромад анча кўпаядиган бўлиб қолди.

Лекин барибир иқтисодни ўнглаб олиш анча қийин бўляпти. Бунинг маълум сабаблари бор. Ўшанда бизга ҳисоб-китоб қилиб беришганди. 1 литр сут хўжаликка 16 сўмга, гўшт эса 120 сўмга тушяпти. Лекин харид нархи эса икки ҳисса арзон. Ахир бизда ҳаражатлар кўп-да! Чиқимларнинг бир қисмини деҳқончиликдан олинаётган маҳсулот билан қоплашга тўғри келяпти. Лекин бу ҳам инсофдан эмас-да!

Бошида бизга товон пули берамиз, деб айтишган эди. Лекин, берилмаяпти. Ҳозир шу ҳисобга 1 миллион 200 минг сўм йиғилиб қолди. Мутасаддилар бу пулни, албатта, берамиз, дейишади-ю, лекин муддатни чўзишяпти. Қани бу ерда адолат? Ахир биз маҳсулотни арзон нархда етказиб беряпмиз-ку! Ҳисоб дафтаримиз эса «қора» бўлиб турибди. Алоқа йўллари биз учун берк. Ҳеч ким пул ўтказмайди. Маҳсулот ололмаймиз. Ҳаракат тўхтаб турибди. Олдин пул ўтказинглар, кейин керакли маҳсулотни берамиз дейишади. Директор дейди: «Елиб-югуриб, ялиниб-ёлвориб пул ўтказилгунча эса бизга тегишли маҳсулотларни пули борлар олиб кетаверади. Биз эса қуруқ қолаверамиз. Демак, харид нархи ва товон пули масаласини қайтадан кўриб чиқиш керак».

— Хўжайинларнинг кўп бўлгани яхшими?, — сўраймиз директордан.

— Йўқ, албатта. Ахир, айтишади-ку, қўйчивон кўп бўлса... деб. Ҳозир биз темир йўл бошқармасига, унинг Тошкент бўлимига, ҳудуд жиҳатидан эса туман ҳокимлигига бўйсинишимиз ва маълум маънода уларга жавоб беришимиз керак. Бундай қараганда, назоратчи, текширувчилар, талаб қилувчилар кўпу, масалани ҳал қилиб берувчилар йўқ, ҳисоб. Бир нарсани илтимос қилиб сўраб борсак, бир-бирларига «оширишади». Дейлик, қишлоқ хўжалик техникаси зарур. Тумандагилар бизнинг ишимиз йўқ, темирйўл бошқармасига боринглар, дейишади. Уларнинг эса техникадан ёрдам бериш қўлларидан келмайди. Сотиб олайлик десак, пулимиз йўқ. Ҳозир бир вақтлардаги сотиб олинган эски техникаларни бир амаллаб ишлатиб турибмиз. Бир-икки йилдан сўнг нима бўлади, билмаймиз. Чунки, бор техникани таъмирлаш ҳам мушкул. Эҳтиёт қисмнинг ўзи йўқ. Янги техника ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Масалан, битта «Нива» комбайннинг баҳоси 1 миллион 200 минг сўмга чиқиб кетди. Бедани вақтида ўр, дейишади. Лекин бор техникалар ҳам бизнинг шароитимизга мос эмас, чидамайди. Тез кунда ишдан чиқиб қолади.

— Кўпроқ қайси «хўжайин»ларингизнинг ёрдами тегяпти?

— Ҳар ҳолда темирйўлчилар қўлларидан келганини аяшмаяпти. Газ ўтказиб беришяпти. Марказий таъмирлаш устахонасини қуриб беришяпти. Тўртта молхонани ҳам улар қуриб беришяпти. Шундай бўлиши ҳам керак-да! Ахир биз етиштирадиган маҳсулотни фақат темирйўлчиларнинг ўзлари тасарруф қилишади.

Биз ҳам имкониятдан мумкин қадар фойдаланиб, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлларини қидиряпмиз. Салкам 10 гектар ерга шоли экиб, ҳосилини олиб, халққа бердик. Сабзавот, картошка, бўғдой билан ҳам таъминладик. Ободончилик ишларини ҳам чўнтагимиздаги пулимизга қараб, ундан тежамли фойдаланиб, амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз. 22 километр масофани газлаштириш шу йил ниҳоясига етказилади. Тегирмон, мойжувоз қуряпмиз. Ишга тушса унни ҳам, ёғни ҳам ўзимиз таъминлашимиз мумкин.

... Биз ўша куни директор билан яна кўп масалалар ва муаммолар ҳақида гаплашдик. Унинг дил-дилидан чиқариб, куюниб айтган мулоҳазалари ўринли эди. Ўйлаб қоласан, киши. Йилни якунлаяпмиз. Янги йилга қадам қўяпмиз. Эҳтимол, бундан кейин қарашларимиз, фикрлашларимиз ўзгарар. Халқ манфаатларидан келиб чиқиб, тўлиб-тошиб ётган муаммоларни ҳал этишга янгича муносабатда бўлармиз. Бундай муносабат кўп ҳолларда «ўз ёғига ўзи қовурилаётган» мазкур хўжаликнинг ҳам мушкулини осон қилишга ёрдам берар. Шояд...

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



ОТА ИЗДОШИ

АБДУҚАЮМ ўрта мактабда ўқиб юрганида тенгдошлари орасида мулойимлиги, ўқитувчиларга самимий ҳурмати билан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳам муаллимлар Абдуазим ака-ни кўришди дегунча: «Ажойиб фарзанд улғайтираётганингиздан хурсандмиз, одоби, дарсларга лаёқати билан ўртоқларига намуна бўлмоқда» деб ота кўнглига қувонч бағишлашарди. Бундай илиқ сўзлардан баҳра олган оила соҳиби кечқурунлари ҳамма фарзандлари даврасида ўғли ҳақида яхши сўзлар эшитганини гапириб, умр йўлдоши Бунисани, барча оила аъзоларини ҳам хушнуд этарди.

— Дадаси, болаларингизнинг ҳаммаси бир-биридан ақлли, меҳнаткаш, ҳушмуомала бўлиб, ўсишяпти, худога шукр, кўнглимиз тўқ, кўпнинг қаторида соғ-омон бўлишсин, умрлари узоқ бўлаверсин, бир роҳатларини кўрайлик,— дерди она кўнгли шодликка тўлиб.

— Айтганинг келсин илоҳим, кўпнинг қаторида бизнинг фарзандларимиз ҳам ўссин, унсин.

Ана шундай яхши ниятлар, орзулар билан яшаётган оилада тарбия топган Абдуқаюм ўрта мактабда ўқиётган чоғларида фермада отасига қарашиб юриб, чорвадорлик касбига меҳр қўйиб қолди. Ишчан, чаққон ўғлининг ўз изидан эргашаётганидан ота хурсанд бўлса-да, лекин кўнглида бошқа бир орзуси борлигини яширмади.

— Ўғлим,— деди у бир куни,— мактабни битиришингга ҳам оз қолди, ўқишларинг яхши, ҳисоб-китобга ихлосинг баландлигини ҳам биламан. Бирдан-бир ниятим савдо техникумига кириб ўқисанг девдим. Келгусида ҳар соҳада ярайдиган касб. Албатта, беш қўл баробар эмас, бу тармоқда ҳам ишлаб обрў, эътибор топаётганлар кўп.

Абдуқаюм ўйланиб қолди. У ўзигагина эмас, барча оила аъзоларига бирдек меҳрибон, маслаҳатгўй отасининг измига эътироз билдиргиси келмади.

— Хўп, дада,— деди у,— шу техникумга ҳаракат қиламан.

Орадан ҳеч қанча ўтмай ота орзуси ушалди. Абдуқаюм ўнинчи синфини битириб, техникумга муваффақиятли кириб олди. Аммо талабалик чоғларида ҳам таътил пайтларида фермада отасига кўмаклашар, молларни парваришлашнинг ўзига хос сир-асрорларини ўрганиб борарди.

Анча йиллар аввал Пискент районидаги собиқ «Большевик» колхозида фермада турли лавозимларда ишлаб тажриба орттирган ота фарзандининг чорвадорликка астойдил иштиёқманд бўлиб қолганлигини аниқ сезди. Аммо «ҳар ҳолда бир дипломли мутахассис бўлиб олсин, майли кейин ўзи танлаган ишни давом эттирар» деган хаёлга борди-ю, бу фикрини ўқишдан кўнгли совимасин деб, ўғлига айтмади. Шу тарзда йиллар ўтиб, Абдуқаюм дипломли ҳам бўлди. Ҳужжатни қўлга олиш олдидан эса оиладагиларга дилида борини айтди.

— Фермада ишлайман. Бирдан-бир орзуим шу эди. Дадамнинг сўзларини ҳам ерга ташламадим. Ўқидим, лекин очиғини айтсам, ферма ўзига тортяпти.

— Майли,— деди Абдуазим ака,— эътирозим йўқ. илмингни пухталаб олганинг яхши бўлди, энди ҳеч қаерда қоқилмайсан.

Шу тарзда Абдуқаюм яна чорвадор бўлиб қолди. Инсон юраги жиз этган ишида меҳнат қилса, кўнгли яйраб, қобилияти тўлароқ намоён бўлаверар экан. Бу А. Абдуазимов фаолиятида тез сезилди. У иқтисод асосларини пухта билган мутахассис сифатида фермада хўжалик ҳисобини жорий этиш, тежамкорликка қатъий риоя қилиш, чорва молларига бериладиган озуқа бирликларининг тўлиқлигига эришиш борасида фаоллик кўрсата олди. Эндиликда биргина ҳозирги «Дўстлик» давлат хўжалигида эмас, Пискент районида ҳам ўз соҳасини яхши билган, мутахассис сифатида танилди.

—. Бир неча йилдирки, Абдуқаюм Абдуазимов, давлат хўжалиги бўрдоқичилик базасида раҳбар,— дейди совхоз директори Ҳазратқул Нуров,— биз уни шу лавозимга қўяётганимизда ишончимизни оқлашга кўзимиз етган эди. Янглишмаган эканмиз, ҳар бир новвосни 400—450 килограммга етказиб гўштга топширяпти азамат. Энди Абдуқаюм тажрибали чорвадор, меҳнати таҳсинга лойиқ.

Бизга совхозда А. Абдуазимовнинг ишчан, тадбиркор, камтарин инсон бўлиб етишишида акаси, ҳозир мазкур хўжаликда бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаётган захматкаш инсон Илҳом Абдуазимовнинг кўп меҳнати сингганлигини ҳам гапириб беришди. Давлат хўжалигида энг пешқадам бўлимга раҳбарлик қилаётган бу киши ота вафотидан кейин укасининг оёққа туриб олишига астойдил кўмаклашди, фойдали маслаҳатларини аямади.

Эндиликда Абдуқаюм беш фарзанднинг отаси. Умр йўлдоши Иноятхон билан уларга муносиб тарбия бермоқда, ўзи каби меҳнаткаш қилиб улғайтирмоқда. Чорвадор ўз ишидан хурсанд. Аммо дилида армони ҳам йўқ эмас. Шундай кунларини отаси кўролмай оламдан ўтганлигини афсус билан эслайди.

— Мен нимагаки эришган бўлсам таваррук ота-онам, ва акамлар туфайлидир,— дейди А. Абдуазимов.— улар туфайли меҳнатга меҳр қўйганман.

Биз яқинда Абдуқаюм бошчилик қилаётган бўрдоқичилик базасида бўлдик. Уерда 75 та новвос парваришланаётган экан. Бўрдоқига келтирилган бузоқлар ёши, салмоғига қараб уч гуруҳга бўлиб парваришланмоқда. Гўштга топширилиладиганлари алоҳида боқилмоқда. Шу йил даваомида А. Абдуазимов раҳбарлигидаги чорвадорлар давлатга 30 тонна, умумий овқатланиш корхоналарига эса 10 тонна гўшт топширдилар ва режаларини 102 фоиз бажардилар.

— Новвосларни семиртириш учун барча имкониятлар етарли,— дейди чорвадор,— совхоз ем-хашак билан изчил таъминлаб турипти. Ўзимизда хашак майдалайдиган, озуқа тайёрлайдиган цехлар бор.

Бўрдоқичилик базасида Абдуқаюмнинг ўзи ёлғиз эмас. У ёшларга мураббий. Ана шу сафда ўғли Улуғбек ҳам бор. У отаси изидан бориб, ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонмоқда. Ўзи отага эргашиб, меҳнатдан эътибор топган Абдуқаюмга ўғлининг ҳам бу касбга ихлос қўйганлиги катта қувонч бахш этмоқда.

Н. ТОШЕВ,
С. ҲАСАНОВ.

Суратда: Пискент районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигининг бўрдоқичилик базасида. (Чапдан) молбоқар Шуҳрат Эсонбоев, база бошлиғи Абдуқаюм Абдуазимов ҳамда унинг ўғли Улуғбек Абдуазимовлар новвосни яйратишмоқда.

Суратқаш Р. РАХИМУЛЛИН.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

КУНИ КЕЧА Россия президенти Б. Н. Ельцин Америка Қўшма Штатлари президенти Ж. Буш билан телефон орқали гаплашди. Мазкур мулоқотда жаҳон миқёсида рўй бераётган воқеалар билан биргаликда Сомалида юз берган очарчилик ҳам тилга олинди. Сўзлашувда Б. Н. Ельцин АҚШ қўшинларининг Сомалига юборилиши хусусида ўз фикрини баён қилди. Телефон орқали бўлиб ўтган бу сўзлашувнинг ташаббускори Ж. Буш бўлди.

ҲОЗИРГАЧА Бразилия кофе етиштиришда дастлабки ўринлардан бирини эгаллаб келаётганлиги кўпчиликка аён. Лекин, кейинги пайтда бу мамлакат иқтисодиётида кутилмаган воқеа рўй бера бошлади. Гап шундаки, «кофе мамлакати» деб аталган Бразилия ўзининг тарихида биринчи марта бу маҳсулотни хориждан сотиб ола бошлади. Мамлакатнинг Сантус портида Африка қитъасидан келтирилган дастлабки 4 минг қоп кофе туширилди. Мутахассислар фикрича, унчалик нави яхши бўлмаган бу кофенинг бир қопига харидорлар 23 доллардан пул тўлашмоқда. Ана шунча ҳажмдаги Бразилия кофеси эса 45 доллардан камига сотилмайди.

Бразилиянинг бундай ҳатти-ҳаракат қилишига асосий сабаб мамлакатдаги сўнгги ҳосилнинг одатдагидан кам бўлганлигидир. Айтайлик, агар 17 миллион қоп кофе сақланадиган федерал заҳира омбори очилган бўлганида, четдан маҳсулот келтиришга зарурат қолмаган бўлур эди. Лекин, кофе етиштирувчилар уюшмаси маҳаллий бозордаги кофенинг баҳоси пасайиб кетишидан чўчиб, бундай тадбирга қарши чиқди.

КАНАДАДАГИ Торонто, Монреал ва бошқа қатор йирик шаҳарларнинг ҳокимлари кишилар қўлида бўлган турли хил қуроллар жиноятчиликнинг кўпайиб кетаётганлигига сабаб бўлаётганини айтиб, ҳукуматни қуроллар устидан қатъий назорат ўрнатишга чақирди. Канададаги бундай вазиятни Американинг йирик шаҳарларидаги «жанглар» билан солиштириб бўлмайди. Фақат Нью-Йоркда ҳар йили бутун Канададагига нисбатан икки баравар кўп киши ана шундай совуқ қуроллардан жароҳатланиб ҳалок бўлмоқда. Шу боис, бу ердаги ҳокимият раҳбарлари чора кўрилмайдиган бўлса, бироз муддатдан сўнг Канада ҳам Америкага етиб олиши мумкин, деб таҳмин қилишмоқда.

ХИТОЙ Халқ Жумҳурияти матбуоти маҳаллий аҳолининг гувоҳликларига асосланиб, шовшувга сабаб бўлган бир хабарни тарқатди. Унда ХХР жанубидаги Гуанси-Чжуан мухтор туманн ҳудудида қулаб тушган «Боинг-737» тайёраси ҳалокатига унинг номаълум учувчи жисм билан тўқнашиб кетганлиги сабаб бўлган, дейилади. Чиндан ҳам ҳалокат сабаблари таҳлил қилиб кўрилса, ақл бовар қилмайдиган вазият пайдо бўлади: тайёра бор-йўғи 600 метр баландликдан қулаганлигига қарамай, чилпарчин бўлиб кетган. «Қора қути» ҳам жиддий равишда шикастланган. Энг ажабланарлиси шундаки, одатдаги ҳалокатлардан сўнг бус-бутун қоладиган тайёранинг дум қисми изсиз йўқолган. Бу ҳам етмагандай «Боинг»ларни бошқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган моҳир учувчи ҳалокатдан атиги беш дақиқа олдин парвоз муваффақиятли давом этаётгани ҳақида ердаги назоратчиларни хабардор қилган. Шундан сўнг алоқа дафъатан узилиб қолган. Маълум бўлишича, маҳаллий аҳолининг айримлари ҳалокат содир бўлишидан чамаси беш дақиқа аввал соат милига қарши айланаётган аллақандай номаълум учувчи жисмни кўрган эканлар.

ВИЛОЯТ касаба уюшмалари кенгашига ўттиз ёшларга кирган аёл кириб келди. Ранги сўлиққан, паришонхотир.

— Фуқароларни ҳимоя қиладиган идора деб, паноҳ излаб келдим, — деди у паст ва синиқ товушда, — ноҳақ ишдан бўшатиб юборишди. Уч нафар фарзандим бор. Давр оғир, иш топиш қийин. Бошимни урмаган жой қолмади...

— Ишдан бўшатишларининг сабабини нимада деб кўрсатишяпти, — сўрайди вилоят касаба уюшмалари кенгашининг меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимининг мудири Абдусалом Рисқуллаев.

— Вақтинчалик ишга олингансан, штат йўқ, деяпти директоримиз, — дейди Орзигул Есенбекова. — Район халқ таълими бўлими, Ҳокимлик, бошқа идораларга ҳам бордим. Ҳеч ким арзимга қулоқ солмади. Ниҳоят, паноҳ излаб, шу ерга келдим. Ёрдам беринг!

Вилоят касаба уюшмалари кенгашига ҳар куни кўплаб одамлар ёрдам сўраб, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни илтимос этиб келади. Бу ҳам шундай воқеаларнинг бири эди.

Фуқаронинг ҳуқуқий ҳимояси учун Абдусалом Рисқуллаев билан Оҳангарон районидаги «Янги ҳаёт» давлат қишлоқ саноат мажмуи ҳудудидаги 48-мактабга бордик.

— Ўзим ҳам шу шикоят юзасидан келган бўлсангизлар керак, деб ўйловдим, — деди мактаб директори Г. С. Евдокимова асабий ҳолда, — мен у аёлни ишга олмайман, биринчидан у вақтинчалик ишга олинган, иккинчидан умуман жой йўқ.

— Сиз раҳбарсиз, маълум ҳуқуқларингиз бор, улардан фойдаланасиз, лекин, қонун ҳамма учун бир хил, — дейди савол-жавобни давом эттириб бўлим мудири, — ҳужжатларни кўрсак бўладими!?

— Шунисини айтиб қўяйки, бу аёлни ишга мен эмас, аввалги директор Ўроз Турманов қабул қилган. Унинг учун мен жавоб бермайман!

Хуллас, ҳужжатлар текширилди. Ишга қабул қилиш нотўғри расмийлаштирилган экан. Натижада у қанча оворагарчилик, идорама-идора юриш, асаббузарликларга сабабчи бўлди.

Воқеа бундай бўлган. Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» давлат хўжалиги ҳудудидаги 48-мактаб директори Ўроз Турманов Орзигул Есенбековани узайтирилган гуруҳга ўқитувчи қилиб қабул қилган. Лекин, ишга қабул қилиш қонуний жиҳатдан тўғри бўлмаган. Собиқ директор ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ билан О. Есенбековани таништирмаган ва янги ходимнинг розилиги олиниб, имзоси қўйдирилмаган. Қонун-қоида бўйича ишга қабул қилинаётган киши буйруқ билан танишгани тўғрисида имзо чекиши шарт.

Янги директор Г. Евдокимова эса О. Есенбековани ишдан бўшатишда қонунчиликнинг бу оддий тартибига эътибор бермаган.

Биз Ўртачирчиқ туманидаги мактабларнинг бирида ҳозир директор ўринбосари вазифасида ишловчи Ўроз Турманов билан учрашдик.

— Мен Есенбекованинг ўзига вақтинчалик ишга олаётганимизни айтганман, — дейди у биз билан суҳбатда.

— У айтмаган деяптику, сиз ахир раҳбарсиз, қонун асосида иш қилишингиз керак эди. Айтганингизни эшди қандай исботлайсиз?

Собиқ директор қизарди-ю, жим қолди. Қонунчиликда кичкинагина хатога йўл қўйиш қанча оворагарчиликларга сабаб бўлди. Ў. Турманов ўзини ҳарчанд оқламоқчи бўлди, лекин бефойда.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлимининг мудири Абдусалом Рисқуллаев билан мактаб директори Галина Семёновна ўртасидаги «қизғин» суҳбат ҳам узоқ давом этди.

Аввало ҳозир у аёлни ишга жойлашга штат

ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Адолат қарор топди

• *Бир шикоят изидан* •

йўқ, шу сабабдан ишга қабул қилолмайман, — деди қизишиб у, — бир неча ойдан бери ишга келмаса ҳам мен унга пул тўлайми?! Бекорчига берадиган пулимиз йўқ! Дарс бермаган одамга пул берилмайди, берилмайди!..

Тўғри, О. Есенбекова кейинги бир-икки ой дарс бермаган. Лекин, уни томдан тараша тушгандек, меҳнат таътилидан кейин бўшатилсин, деб нотўғри буйруқ чиқарилган. Вақтинчалик ишга олингани фақат оғзаки айтилган экан.

Хуллас, мактаб директори Г. Евдокимова О. Есенбековани ишга қабул қилиш ва бўш юрган вақти учун маош тўлаш ҳақида буйруқ чиқаришга мажбур бўлди. Чунки, қонун барчага баробар эди.

Б. ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

«ИЛМИМ ХАЗИНАСИ — ШОГИРДЛАРИМГА»



ТАРИХ саҳифаларини варақлаб, англаганимиз шу бўлдики, қалби заковат, донолик билан уриб, илм булоқларининг кўзини очганлар мудом ранж ва аламга рўбарў этилган экан. Ўзини бир умр эл ишига камарбаста деб билганлар дунёнинг қувончи нелю, шодлиги нима билмай яшаганликларига бугун биз филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла ас-Салом босиб ўтган илмий-ижодий йўлга бир қур назар ташлаб, амин бўлдик.

Устоз ўзига нисбатан қилча мақтовни ҳам ҳазм қила олмайди: табиати шунақа. Домла таваллудининг 60 йиллиги бўсағасида туриб, икки мухлис сифатида бирор калима сўз айтмоққа чоғландиг-у, бироқ қуруқ, сийқаси чиққан жумлалар билан нозиктаъб олимни ранжитиб қўймасмиканмиз, дея минг андишага бордик. Лекин, қандайдир ички бир зарурият бизни қўлга қалам олишга ундайверди.

... Ғайбулла ас-Салом комил инсон, иқтидорда якто олим. Лисоний маданияти кенг ва устивор, кучли билимдон шахс сифатида у олиб борган бевосита ҳамда билвосита ишлар кўламини кичик бир мақолада санаб ўтишнинг имкони йўқ, чунки, домла филологиянинг қайси соҳасига қўл урмасин, ҳеч вақт муваффақиятга эришмай қолмаган: қўл урган ишидан танҳо илмий-ижодий манфаат кўзлайди, бундан бўлак муддао йўқ, у кишида вазифалардан эканлигини фандаги айрим тўраларга тушунтириш ва исботлаб беришнинг ўзигина Ғайбулла ака бошидаги сочининг ярмидан кўпи оқаришига сабаб бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Академик Иброҳим Мўминов билан биргаликда домла қомусчилик ҳаракатини, унинг тамал тошини қўйиб, биринчилардан бўлиб Ўзбек қомусини яратганлардан. У собиқ шўро мамлакатида илк таржима назарияси минбаргоҳини тузиб, Қомус нашриётида таржима ва луғат таҳририятини ташкил этган. Олим бошлаган ёки унинг бошчилигида ёритилган турли мавзулар ўткинчи мафкурабозлик инъикоси эмас. Булар соф илмий асосга, таянч нуқтасига, чуқур илдизга эга бўлган мавзулардир. Бинобарин, улар ўзининг долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди.

Давр сиёсатига таҳсин айтиб, ижод қилган кўпгина «иқтидорли» адабиётшунос олимлардан фарқли ўлароқ, илми урфонда, халқи наздида Ғайбулла ас-Саломнинг виждони пок. «Олимнинг тафаккури, саъй-ҳаракатлари ва аъмоли вақт синовига бардош берди, десак бўлади. Менимча, унга берилган энг катта мукофот шу», — деб ёзганида профессор Э. А. Каримов юз карра ҳақ эди.

«Ғайбулла ас-Саломнинг ишларига ҳавас қилиш мумкин. Аммо, буни амалга ошириш ҳар қандай ноёб истеъдод соҳибига ҳам насиб этавермайди. У кўрабила ўзини-ўзи жуда кўп, балки, ҳамма нарсадан маҳрум этди. Фирқалик хирқасини эгнига илмади. Бир неча йил сургунсига таъқиб остида юрди. Олтмишинчи йилларнинг охирида шаҳарма-шаҳар дарбадар кезишга мажбур бўлди. Илмий изчиллик ва эътиқод собитқадамлиги учун унга насиб этган «мукофот» шу бўлдики, Самарқанд дорилфунуни ва Ўзбекистон Фанлар академиясида ҳар гал юз фоиз якдиллик билан ҳимоя қилган номзодлик (1964 йил) ҳамда докторлик (1982 йил) диссертацияларини яна такроран икки мартадан Москвода, Олий Тафтиш Комиссияси (ВАК)да қайта ёқлашга мажбур бўлди. Тўғри, Олий Тафтиш Комиссиясида ҳам унинг ишларига холисона юз фоиз юқори баҳо берилди, аммо, бу айтишга осон! Икки диссертацияни тўрт марта чиғириқдан ўтказишни тасаввур қилинг...» — деб ёзади яна профессор Э. А. Каримов. Ҳа, у минглаб одамларга меҳр кўргазган, аммо, бунинг эвазига ранж-алам чеккан олимлардан.

Ғайбулла ас-Салом ҳам филолог олим, ҳам таржимашунос тадқиқотчи сифатида кўпгина нуфузли анжуманларда қатнашган ва ушбу соҳанинг жуда муҳим мавзуларида маърузалар қилган, ўзбек таржимонлари олиб бораётган катта ишларнинг аҳамиятини, ютуқларини ғурур билан, муаммоларини эса куюнчаклик ила қайд этиб ўтганлардан биридир. Чунончи, Кавказ орти, Олмаота, Ереван, Тошкент, Самарқанд ва Москвада бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда ўқиган «Бадиий таржималарнинг долзарб проблемалари», «Ҳозирги паллада таржима проблемалари», «Туркий халқлар тилларида таржима муаммолари», «Ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари» каби маърузалари фикримизнинг ёркин далилидир. Масковда «Игорь лашкарлари жангномаси» таржимасига доир халқаро анжуманда, ЮНЕСКО ташаббуси билан Булғорияда ўтказилган дунё таржимонлари Федерацияси йиғинида, Югославияда бўлиб ўтган «Шеърий таржима муаммолари» каби кўпгина жаҳон олимлари иштирок этган йиғинларда ўзбекистонлик бу алломанинг қатнашиши нафақат унинг, балки бутун жумҳуриятимиз олимлари обрў-эътиборининг жаҳон миқёсида тутган юқори ўрнидан далолат эмасми?

Ғайбулла ас-Салом — 60 ёшда

«Тилнинг ғариблиги — тафаккурнинг қашшоқлигидан. Ё раббий! Ўз тилида фикрлай олмайдиган кишилар, ўз тилида ёза олмайдиган «ёзувчилар», ўз тилида ўқий олмайдиган ўқувчилар, ўз тилида илм ярата олмайдиган олимлар, ўз тилида ваъз ўқий олмайдиган воизлар, ўз тилида куйлай олмайдиган хонандалар пайдо бўлди...

Санъаткорларимиз, нотиқларимиз, аҳли ҳунарманд, аҳли фуқаро, аҳли ҳукамо ва аҳли фузало ўз тилида «бир нима» дея олмаса...», — дея бонг урган олимни ёмонотлиққа чиқазган «ҳурматли дўстларимиз», «холис кишилар» бундан қандай манфаат кўрган эканлар ҳайронмиз, лолмиз...

Давримизнинг ечимини кутаётган чигал, зиддиятли масалалари, инсон руҳий дунёси, унинг ўйлари, қарашлари, замон ва келажак, миллийлик ва байналмилаллик, тил, адабиёт, таржима, шеърият ҳақидаги, ёшлар таълим-тарбияси, оталар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тадқиқи сингари ўнлаб муаммоли масалаларга дадил қўл урган забардаст алломанинг тафаккур илдизлари жуда-жуда чуқурдир. У Шарқ ва Ғарб фалсафий оламидан инжу терган заковатли файласуф. Рўдакий, Жомий, Навоий, Саккокий, Чочий, Деҳлавий, Бобур, Огаҳий, Нодира ижодини, Байрон, Ҳёте, Шиллер, Ҳемингуэй, Толстой, Достоевский асарларини тўлиқ, мукаммал ўрганиб чиқмаганида, балки биз бугун Ғайбулла ака сиймосида шу қадар кенг қамровли олимни кўрмаган бўлармидик.

... Дорилфунун домлалари, талабалари билан бўлган бир учрашувни яхши эслаймиз. Узоқ қишлоқларнинг биридан пойтахтга келиб ўқиётган сиртқи бўлим талабаси устозга: «Домла, сиздан ёши кичиклар, мавқе-мартабаси пастлар ҳам юмшоқ курсили юксак лавозимларда ишлашяпти. Ҳойнаҳой, сизга ҳам бирор юқори лавозимни таклиф этишса борармидингиз?» — деб савол берди. Шунда Ғайбулла ас-Салом: «Узоқ йиллар силсиласида йиққан илмимни халққа, шогирдларимга етказишдан бошқа менга ҳеч қандай мансаб керак эмас», — деган эди.

Олимнинг илмий ижодига холис баҳони адабиётшунослар, мунаққидлар берар. Бироқ шу ўринда, оиласида меҳрибон ота, дорилфунунда талабчан устоз, илмий кенгашда қаттиққўл олим, таржима жабҳасида марғуб тилмоч, шеъриятда бадоатли шоир, адабий муҳитда ўткир мақоланавис бўлмиш халқимизнинг асл фарзанди Ғайбулла мулла Тожи ўғли ас-Саломни ширин ташвишлар, теран илмий мушоҳадалар яна узоқ йиллар тарк этмасин. Иймон-эътиқод софлиги учун бутун умр курашиб, бой берган гавҳари — соғлиги қайта тикланиб кетишига Аллоҳ мададкор бўлиб, муборак олтмиш йиллик сана алломага улкан бахт келтирсин, дегимиз келади.

Ҳорманг, устоз!

Шерали СОКИН,
Раҳмон ҚОДИР.

Таржимашунослик катта бир муҳим ва зарур соҳа, уни эътибордан четда қолдириш гуноҳи азим эканлигини жонкуярлик билан уқтириш, шу йўналишдаги ишларнинг жаҳон миқёсидаги учун. Эзгу мақсад йўлида бошлаган юмушини қиёмига етказмагунча ҳузур-ҳаловат нелигини билмайдиганлар шунақа бўларкан, аслида. Жумҳуриятимизда етакчи сўзшунос ва таржимашунос олимлардан бўлган Ғайбулла ас-Салом — сермаҳсул тадқиқотчи ижодкор, олим сифатида амалга оширган илмий-ижодий ва жамоатчилик ишлари номини қайд қилиш лозим бўлиб қолса, бир китоб ҳажмичалик рўйхат тузишга тўғри келарди, бироқ ҳеч нарса сон билан ўлчанмайди. Устоз фаолияти давомида тайёрлаган шогирдларига, битган дарслик, қўлланма ва адабий-бадиий асарларига қараб, уларнинг нечоғли назарий ҳамда амалий жараёнда асқатаётганини кўриб, сон ва сифатнинг уйғунлиги зукко олимнинг умрини инжу каби безаб турганига амин бўлмай илож йўқ.

ХАЗИНИЙ РУҲИ ШОД

Алишер Навоий номидаги санъат кошонасида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган дилбар шоир Зиёвуддин Каттахожи ўғли Хазиний таваллудининг 125 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тантанада жамоатчилик вакиллари, олимлар, шоирлар ва Хазинийнинг қариндош-уруғлари сўзга чиқдилар.

Санъаткорлар шоир ғазалларига басталанган қўшиқларни ижро этиб, даврага файз киритдилар.

(ЎзА).

ЯНГИ КИТОБЛАР

«БАХТНИНГ ОЛИС ЙЎЛЛАРИ»

«Наврўз» нашриёти шеърият мухлисларига ҳадя этган китоб ана шу ном билан дунё юзини кўрди. Ундаги шеърлар Тошкент вилоятининг Пискент туманида яшаб ижод қилаётган ёш шоира Гулноз Аҳмаджонова қаламига мансуб.

Мажмуадан ҳам шифокор, ҳам журналист муаллифнинг инсоний муҳаббатини, она Ватанни, эзгуликни тараннум этувчи шеърлари ўрин олган. Бозор иқтисодиёти ёш ижодкорларнинг мухлислар билан алоқасини мушкуллаштириб қўйган, ихлосмандлар яхши шеърни соғиниб қолган паллада бу китобнинг чоп этилиши қувончлидир.

Китоб муаллиф ҳисобидан чиқарилганига қарамай, ёш ижодкорга унча қиммат тушмади. Нашриёт ходимлари шоирага кўмак бердилар. Натижада чиройли безалган китобча қўлимизга тегди.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИГА МАБЛАҒ ЙИҒИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУНДА БОР ОҚИБАТ, БУНДА БОР ШАФҚАТ

ИНСОН қалбини малҳамдек юмшатадиган манзара: эндигина боғча болалари Қизил яримой жамияти белгиси туширилган ойнаванд қутиларга биринкетин пул ташлаб ўтишмоқда. Ундан кейин уларга ўқувчилар ҳам қўшилишди. Болалар кўп. Исмларини санаб охирига етказиб бўлмайди. Умида, Алишер, Юлдуз, Сурайё... Шуниси қизиқки, бу кичкинтойларга, албатта, ҳеч ким хайрия тадбирида қатнашасан, қутиларга пул ташлайсан, деб айтмаган. Пойтахтимизнинг муҳташам циркида уюштирилган хайрия катта концертига келган ота-оналар фарзандларига савобли иш нима эканлигини тушунтириб, қутилар томон йўлламоқдалар.

Ўнлаб кишилар қатори севинч ёшларимни тўхтата олмайман. Бу бежиз эмас, ҳозиргина овоз кучайтиргич орқали хайрия кечасини кириш нутқи билан бошлаб берган, бугунги тадбирнинг ташаббускори — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаевнинг сўзлари ҳар бир қалбда муҳрланиб қолмоқда.

— Азизлар, — деди Қулаҳмад Тошпўлатович, — шаҳар соғлиқни сақлаш тизими ходимлари хайрли ишларни илгари ҳам кўп марта амалга ошириб келганлар. Аммо бугунги хайрия даврасининг ўзгачалиги бор. Ногиронлар, кимсасиз қариялар, етим-есирлар, бева-бечораларни йиллар давомида қўллаб-қувватлаб, уларга меҳр-шафқат кўрсатиб келаётган Қизил яримой жамиятимизни бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам моддий жиҳатдан мустаҳкамлашимиз зарур бўлиб қолди. Бу хайрли ишнинг бошида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов турибдилар. Республиканинг ҳамма вилоятларида, шаҳарларида бу тадбир бўлиб ўтади. Биз пойтахт шифокорлари бир кунлик маошимизни жамият жамғармасига ўтказдик. Шаҳардаги соғлиқни сақлаш муассасалари эса 2,5 миллионга яқин маблағни ана шу жамғармага бахшида қилдилар.

Хайрия иши ота-боболаримизнинг азалий удумларидандир. Бугун биз ана шу ишда фаол қатнашсак, бу анъаналар фарзандларимиз қалбига жо бўлиб, улар ҳам келажакда меҳр-шафқат, саховат ишларини давом эттирадилар...

Худди шу гапларни болалар эртага ҳам қолдирмай амалга оширишаётгани таъсирли эди.

— Бувигинанг ўргилсин, сенлардан, — дейди оппоқ рўмоли нуроний чеҳрасига файз бахш этиб турган саксон тўрт ёшли Рисолат буви, — катталардан хайр-эҳсон қилишни ўргандиларингми, худо хоҳласа кам бўлмайсизлар. У дуо учун қўл очади, ён-атрофда ўтирганлар ҳам фотиҳа қиладилар...

... Хайрия концерти бошланди. Эл орасида хушовозлиги, юксак инсоний фазилатлари билан танилган санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев, Ғуломжон Ёқубов, «Ором» болалар дастаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Олимжон Орифжонов, Маҳмуджон Азимов, Замира Суюнова, хонандалар — Нодира Султонова, Миразиз Муҳамедов, Равшан Комилов, Ҳожиакбар Раҳматовлар сидқидилдан хизмат қилишдан ташқари, жамғармага ўзларининг муносиб ҳиссаларини ҳам қўшдилар.

Концерт жараёнида бошловчилар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Абдуқундузов, ва сухандон Дилдора Низомхўжаевалар Қизил яримой жамиятига маблағ ўтказган корхоналар, ташкилотлар, саховатли кишилар билан таништириб бордилар.

Қизил яримой жамияти жамғармасига Юнусобод, Чилонзор, Акмал Икромов, Ҳамза районлари соғлиқни сақлаш бўлимлари 500, 400, 300 минг сўмдан пул ўтказдилар. Шаҳардаги 11 та район соғлиқни сақлаш бўлимларининг ҳаммаси бу ишдан четда қолмади. «Фотон» заводи 50 минг сўм, чарм-атторлик ижара корхонаси 120 минг сўм ва бир ҳамшира учун бир йиллик маош, агрегат заводи 220 минг сўми билан ҳисса қўшди.

Шунингдек, меҳнат фахрийлари Абдуманноп Умаров 9 минг сўм, Турдивой Йўлдошев 1000 сўм маблағларини жамғармага ўтказиб бердилар.

Хайрия концерти ниҳоясига етди. Бу тадбир «кишилар орасидан меҳр-оқибат, раҳм-шафқат кўтарилган», деган гапларни пучга чиқарди.

Тадбирни ўтказишда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳамда шаҳар Қизил яримой жамияти ходимлари ташкилий жиҳатдан ҳам фаол хизмат қилдилар. Қизил яримой жамиятига маблағ йиғиш давом этмоқда.

Ҳ. САИДВАЛИЕВ.

• ЭЪЛОН •



ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ТИРАЖЛАРИДА ОМАД КУЛИБ БОҚҚАН 250000 СЎМЛИК БОШ ЮТУҚ ЭГАЛАРИНИ ВА БАРЧА ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ЭГАЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

НАВБАТДАГИ ТИРАЖ 30 ДЕКАБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ. ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ! БОШ ЮТУҚ СИЗГА НАСИБ ЭТИШИ МУМКИН.

ФАҚАТ

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ, БЎЛИМЛАРИ ВА ШАХОБЧАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА. СИЗ 12 ФОИЗЛИ ЗАЁМ СОТИБ ОЛИШ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШАСИЗ.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Тошкент вилоят Жамғарма банки бошқармаси.



● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли лайнер «Тошкент — Урумчи — Пекин» маршрути бўйича илк техник рейсни бажарди. СУРАТДА: Хитой заминида.

Сураткаш Р. Жуманиёзов.

(ЎзА).

ҲАМШИРАЛАР КЎРИКДАН ЎТИШДИ

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бу йил шифокорларни ҳамда ҳамшираларни шаҳодат кўригидан ўтказиш тадбирларини ишлаб чиққан эди. Бу режалар муваффақиятли амалга оширилди. Ички касалликлар врачлари, жарроҳлар ва бошқа ихтисосликдаги нажоткорлар «имтиҳон»дан ўтиб бўлишди.

— Навбат ҳамшираларга етиб келди, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи муовини Осим Абдуҳакимович Қосимов, — ўтган куни шаҳар саломатлик марказида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев раислигида бир гуруҳ ҳамширалар тоифалар олиш бўйича шаҳодат кўригидан ўтдилар.

Шуни айтиш керакки, бундан бир неча йиллар аввал нажоткорларни имтиҳон қилиш йўлга қўйилмаганлиги туфайли, улар малакаларини ошириш борасида мустақил етарлича ишламаган эдилар. Аммо икки йилдирки, талаб ўзгарди. Врачлар ҳам, ҳамширалар ҳам кўрикдан ўтишларини билиб, бу ишга масъулият билан ёндоша бошладилар.

Шунинг учун бўлса керак, саломатлик марказида ўтган шаҳодат кўригида шаҳар «тез ёрдам» клиник касалхонаси ҳамширалари Маърифат Миршодиева, Насиба Тўхтабекова, шаҳар онкология диспансери ҳамширалари Татьяна Скороходова, Людмила Колядина, 4-болалар юқумли касалхонаси ҳамшираси Саида Ғуломовалар «олий тоифали ҳамширалар» деган номга сазовор бўлишди.

Олий, биринчи тоифа олган ҳамширалар маоши 400—500 сўмга кўпайдиган бўлди.

Иқболхон АШРАПОВА.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси Қуйичирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси И. Муллажоновга онаси

Марям МУЛЛАЖОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар: ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48. АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 31730 нусха босилади.